

## ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2024 йил 13 июнь куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья М.Мирзохидовнинг раислигида, ҳайъат судьялари: Ф.Тураходжаев ва О.Мухаммадиевлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси С.Сулаймоновнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Р.Ражапов, судланувчи Ф.И.Онинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган адвокат Ш.Қаландарова ва жамоат ҳимоячиси У.Зокировнинг иштирокида, судланган Ф.И.Ога оид 1-1003-2307/911-сонли жиноят ишини, ҳукм устидан судланган Ф.И.О томонидан келтирилган шикоят асосида апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 2024 йил 8 апрелдаги ҳукмига кўра,

Ф.И.О, 1977 йил 26 мартда Фарғона вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, “Vodiy Trade” ХК раҳбари бўлган, муқаддам судланмаган, Фарғона вилояти, Боғдод тумани, Дўстлик МФЙ, Хувайдо кўчаси, 5-уйда яшайди, мазкур жиноят иши доирасида, 2023 йил 15 август куни “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, қидирув эълон қилинган, 2023 йил 08 сентябрь куни мазкур эҳтиёт чораси “гаров” эҳтиёт чорасига алмаштирилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан, ЖКнинг 28, 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан, ЖКнинг 59-моддаси тартибида узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг элик баравари, яъни 13.500.000 (ўн уч миллион беш юз минг) сўм миқдорида жарима жазоси тайинланган.

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 965.000.000 сўм пул маблағи ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги фойдасига ўтказиш, етказилган моддий зарарнинг қопланмай қолган қисми яъни, 38.999.568 сўм пул миқдори Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги фойдасига ундириш белгиланган.



Судланган Ф.И.О апелляция шикоятда, унга нисбатан асоссиз равишда айб эълон қилинганлиги, у унга ишониб топширилган ўзганинг мулкани ўзлаштирмаганлиги, шунингдек унинг ҳаракатларида мансаб сохтакорлиги ҳам бўлмаганлигини билдириб, унга нисбатан қабул қилинган айблов ҳукмини бекор қилиб, оқлов ҳукми қабул қилишни сўраган.

Судланган Ф.И.О апелляция инстанция судига жиноят иши бўйича келтирилган апелляция шикоятини қайтариб олиши ҳақида ариза тақдим қилди.

Шу сабабли суд юқоридаги қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда судланган Ф.И.О томонидан келтирилган апелляция шикояти қайтариб олинганлигини инобатга олиб, апелляция иш юритуви тугатишни ва ҳукм қонуний кучга кирганлигини эътироф этишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 423, 497<sup>10</sup>, 528-моддаларини қўллаб, апелляция инстанциясининг судлов ҳайъати,

### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 2024 йил 08 апрелдаги Ф.И.Ога нисбатан чиқарилган ҳукми бўйича апелляция иш юритуви тугатилсин ва мазкур ҳукм 2024 йил 13 июль куни қонуний кучга кирган деб ҳисоблансин.

Ажрим ижро учун биринчи инстанция судига юборилсин.

<b>Раислик қилувчи:</b>	<b>/имзо/</b>	<b>М.Мирзохидов</b>
<b>Ҳайъат судьялари:</b>	<b>/имзо/</b>	<b>Ф.Тураходжаев</b>
	<b>/имзо/</b>	<b>О.Мухаммадиев</b>

**Аслига тўғри.**

